

XIX аср охири ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг бир кисмини хотиралар ташкил этади. Н.Остроумов илтимоси билан ёзилган ва “Туркистон вилоятининг газети”да босилган хотиралар шу асар хаёти ва турмуш тарзи, зиддиятлари, муаммолари ва шу муаммоларни хал этишдаги изланишларнинг бадиий ифода этилганлиги билан ахамиятлидир.

Маълумки, мухаррир Н.Остроумов мустамлака сиёсатини қўлловчи маколаларни газетада босишга ҳаракат қиларди. Лекин шунга қарамай, қўплаб маърифатпарварлар катори Ибн Яминбек хотирасида ҳам ўз даври учун долзарб муаммоларни кўтариб чиқишга уринган.

Айниқса, мазкур хотирадаги она образи, унинг меҳру муҳаббат; ва фидоийлиги мавзуи ўша даврда қўплаб шоирлар куйиниб сўзлата маънавий таназзул пайтида, айниқса ахамиятли эди.

Асардаги воқеа шундан иборатки, Пўлатхон Худоёрхоннинг ва унинг акаларининг бирон ўглини қолдирмай ҳаммасини қириш ниятида, шу қадар жаҳолатга минганки, ҳатто бешиқдаги гўдакни ҳам ўзига душман деб билган. Ибн Яминбекни унинг онаси Мохбегим ойим бу ҳодисалардан хабар топгани захоти яширишга ҳаракат қилган.

Пўлатхон қаҳр ва алам билан таъқиб этади. Қўқондан чиқаётган ҳар бир ароба текширилади, махсус аёллар шаҳардаги ҳар бир хонадонни ичкарасига қириб тинтув ўтказадилар, жарчилар Худоёрхон фарзандларини уйида яширганлар ҳам қатл этилиши хақидаги фармонларни тарқатадилар.

Шундай шароитда Мохбегим ойим тадбиркорлик билан олиб борган ҳаракати туфайли фарзандини ўлимдан сақлаб қолади.

Кечагина зару зеварларга бурканган аёл фарзандини сақлаб қолиш учун чалма-чуваллар орасида, мазордаги бўш қабр ичида ва ўрада бир неча ой яшашга мажбур бўлади, курук нон ва сувга қаноат этади. Ва фарзандини ом он сақлашга эришади.

Мазкур асар она фидоийлигинининг улуг ланиши билан ахамиятлидир.

ШАРИФА АБДУЛЛАЕВА